

## Аҳнаф ибн Қайснинг ҳалимлиги



07:10 / 02.07.2019 3562

Амр ибн Аҳтам деган одам бир кишига минг дирҳам ваъда қилиб, Аҳнаф ибн Қайсни сўкишни буюрган эди. Ўша одам келиб, Амр ибн Аҳтамни ғазабни қўзғатадиган даражада ярамас сўзлар билан сўка бошлади. Аммо Аҳнаф сукут сақлаб, унга ҳеч нарса демади. Сўккан одам Аҳнафнинг жим турганини кўриб, уятдан бармоғини тишлаб қолди, ўзига-ўзи: «Шўрим курсин, унинг жавоб қайтармай, жим туриши менинг аҳмоқлигимдан бошқа нарса эмас», деди.

Аҳнаф шундай деди: «Кимдир менга озор берса, уч йўлдан бирини тутаман: агар у мендан устун бўлса, фазлини эътиборга олиб, сукут қиламан. У мен билан тенг бўлса, ундан устун бўлиш учун сукут сақлайман. У мендан паст бўлса, ҳурматимни билиб, жим тураман».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**